

ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИ

Низомиддин Шералиевич Бердалиев
сиёсий фанлар номзоди, доцент, ТАҚИ
berdaliev2021@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дипломатик муносабатлар, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожланиши, худудлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш аторфлича ёритилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Хитой, дўстликка асосланган муносабатлар, “Бир камар — бир йўл”, иқтисодий ҳамкорлик, лойиҳалар, давлатларининг ўзаро муносабатлари.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан хорижий давлатлар билан, жумладан, Хитой билан ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан борди. Мамлакатлар ўтган йиллар давомида алоқаларни янада мустаҳкамлади, ўзаро манфаатли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, бунда мамлакатларимиз худудлари ва тадбиркорлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида ташқи дунё билан иқтисодий алоқаларни Шарқий Осиё давлатларининг ҳамкорлигида бошлаган. Ҳозирда ишончли ва муҳим шерикчилик муносабатларига эга икки минтақа давлатларининг ўзаро муносабатлари узоқ ўтмишга, яъни Буюк ипак йўли даврига бориб тақалади. Икки минтақа халқларининг ўртасида кўп томонлама дўстона ва ҳурматга асосланган муносабатларга гувоҳлик берувчи эътиборга молик воқеа ва маълумотлар тарихий манбаларда сақланиб қолган. Қадимий Ипак йўлини қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган “Бир камар — бир йўл” минтақавий иқтисодий ҳамкорликка интилишлар ҳам турли цивилизациялар ўртасидаги муносабатларга хизмат қилувчи илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади. Тарихий ва маданий меросимиз, олдимизда турган мақсад ва вазифаларнинг ўхшашлиги ва интилишларимизнинг муштараклиги келажакка катта ишонч билан қарашга имкон беради. Буюк ипак йўлининг амалий

аҳамияти ошгани сари у бўйлаб тарқалган диний эътиқодларни, хусусан, ислом динининг минтақалараро маданий алоқаларнинг ривожланишидаги ролини ёритиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. [1].

АДАБИЁЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Марказий Осиё ва Хитой алоқалари милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошида йўлга қўйилган. [2]. Бугунги кунда Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилмоқда. Мамлакатларимизнинг миллий манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, жаҳондаги нуфузи юксалишига хизмат қиладиган бу алоқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов бошлаб берган ўзаро дўстлик, мустаҳкам ишончга асосланган ҳамкорлик негизида тараққий этмоқда.

Мақолада мантикийлик, функционал-тизимлилик, таҳлил, моделлаштириш каби методлардан, шунингдек республикамиз олимлари тадқиқотларидан фойдаланилган.

НАТИЖАЛАР

Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, 2010 йилдаги Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисидаги қўшма декларация, 2012 йилдаги Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма декларация, 2013 йилдаги Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги Қўшма декларация, 2014 — 2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастури ҳамда 2016 йилда имзоланган Қўшма баёноти, Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг муҳим иштирокчиси бўлиб, 2019 йил 4 майда “Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги ташриф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [3] ПҚ-4308-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ташкил қилади.

Ўзбекистон ва Хитой – табиий иқтисодий ҳамкорлар. Иқтисодиётларимиз рақобат қилмайди, бир-бирини тўлдириб туради. Ўзаро икки томонлама манфаатли алоқалар ривожланади. Маълумотларига кўра, 2015 йилда Хитой билан Ўзбекистоннинг ўзаро савдо ҳажми 3,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу кўрсаткич дипломатик муносабатлар ўрнатилган дастлабки йилларга нисбатан 70

баробардан кўпроқ ўсган. Мана, уч йилдирки, Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик инвестори ва иккинчи йирик савдо шериги бўлиб келмоқда. [4].

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги жуда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хитой кўп йиллардан буён Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ҳамкори мавқеини мустаҳкам сақлаб келмоқда. Бир қатор давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро битимлар сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий асос яратмоқда. Икки мамлакат компаниялари иштирокида саноат кооперацияси, инфратузилмани модернизация қилиш, транспорт, фармацевтика, телекоммуникация соҳаларида, қўшма юқори технологияли саноат парклари ташкил этиш лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси сўнгги йилларда 10 миллиард доллардан ошди. Муҳим қўшма лойиҳалар илгари сурилмоқда. “Хитой – Марказий Осиё” газ қувурининг барча 4 йўлаги Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Қамчиқ довони орқали юртимиздаги энг узун темир йўл туннели фойдаланишга топширилди. Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон автомобил йўлаги ва Хитой-Қозоғистон-Ўзбекистон темир йўлининг ўтказувчанлик салоҳияти эътироф этилмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммити доирасида Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой темир йўли қурилиши бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги уч томонлама шартнома имзолангани тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Ушбу лойиҳа Хитойдан Ўзбекистон орқали Европага ва Жанубий йўлак орқали Форс кўрфази давлатларига юк ташиш ва ушбу йўналишларда савдо географиясини кенгайтириш, Ўзбекистонни ички давлатдан минтақадаги муҳим коммуникация марказига айлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. [5].

Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши улкан тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ниҳоятда кенг кўламдир. Улар узоқ муддатли истиқболда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

2017 йил 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокараларида ХХР Раиси Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари янги даврга, сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўяётганини таъкидлади.

Музокараларда ўзаро ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрафлича фикр алмашилди.

Хукуматлараро техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар, умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга доир лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги хукуматлараро ноталар алмашинуви ҳамда ветеринария ва ўсимликлар инспекцияси карантини соҳасида англашув меморандуми, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъеклари ўртасидаги ҳамкорликни рағбарлантириш бўйича Англашув меморандуми, қишлоқ хўжалиги соҳасида 2018-2020 йилларга мўлжалланган идоралараро алмашинув ҳамкорлик режаси каби қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

МУҲОКАМА

Хитой Ўзбекистоннинг ҳаёт синовидан ўтган ишончли ҳамкорларидан бири бўлиб, халқларимиз ўртасидаги муносабатлар Буюк Ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланган, миллий қадрият ва анъаналаримиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз дунё аҳлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсониятнинг кундалик эҳтиёжларига айланган чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотлар уларнинг бир қисми, холос.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан -биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 7,8 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритган.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва саноатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда.

ХХРнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни, биринчи навбатда, юқори технологияга асосланган тармоқларни -ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нефть-газ ва телекоммуникация тармоқларида, транспорт, тўқимачилик, кимё саноати ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хитой бизнес субъектлари Ўзбекистондаги кўплаб янги саноат корхоналари, жумладан, Деҳқонобод калийли ўғитлар, Кўнғирот сода заводлари қурилишида иштирок этди. ХХР тадбиркорлари кўмагида мамлакатимизда электр техникаси маҳсулотлари, мобиль телефонлар, қурилиш техникаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. “Huawei”

компанияси томонидан Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон минтақаларининг телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича 20 лойиҳа амалга оширилди. ZTE корпорацияси билан ҳамкорликда чиқарилаётган модем, смартфон ҳамда бошқа ускуналарга ички ва хориж бозорларида талаб юқори.

Бундан ташқари, сўнгги бир неча йил ичида Хитой Мамлакатимиз иқтисодиётининг энг йирик сармоядорларидан бирига айланди. Республикада Хитой капитали иштирокидаги 1900 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда, хитойлик инвесторлар инфратузилма лойиҳаларига фаол сармоя киритмоқда.

Марказий Осиё — Хитой газ қувурининг барча тўрт тармоғи Ўзбекистон ҳудудидан ўтган. ХХР Миллий нефть-газ корпорацияси мамлакатимизда истиқболли углеводород конларини қидириш ва қазиларни ишларида фаол қатнашмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Самарқанддаги ШХТ саммитидан олдин, Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпиннинг музокаралари якунида икки мамлакат ўртасида йирик келишувлар имзоланди. Ўзбекистон ва Хитой етакчилари учрашувида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини атрафлича кўриб чиқилди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашилиши, имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини юксалтиришига хизмат қилади.

Шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, электрон тижоратни ривожлантириш, саноат кооперацияси бўйича, энг аввало, автомобилсозлик, “яшил” энергетика, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма каби соҳаларда илғор лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига, Хитойнинг камбағалликка қарши курашиш, ҳудудларни ривожлантириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этишни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилиши, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш зарурлиги тўғрисида алоҳида таъкидланди. Шу мақсадда жорий йил якунига қадар Ўзбекистонда икки мамлакат ҳудудларининг биринчи

форумини ўтказиш таклиф этилиши ўзаро ҳамкорлик масалаларини янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Хитой билан Ўзбекистоннинг серқирра ҳамкорлиги барча соҳаларда юксак самаралар бермоқда. Бундай ҳамкорлик икки мамлакат халқига ҳам фойда келтириб, улар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Қатъий айтиш мумкинки, Хитой ва Ўзбекистон миллий тараққиёт ва юксалиш йўлида бундан кейин ҳам изчил ҳамкорликни давом эттиради, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликнинг ёрқин, янги саҳифаларини очаверади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 23-27 апрель кунлари Хитойда ўтказилган “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форумдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/2533>
2. А.Ходжаев., Н.Каримова. Сведения китайских источников по истории государственности Центральной Азии (переводы и исследования). – Ташкент: Фан, 2018; А.Ходжаев. Великий шелковый путь: Связи и судьбы 丝绸之路. – Ташкент: Навруз, 2018; А.Хўжаев. Фарғона тарихига оид маълумотлар(大宛 宛城). – Фарғона: Фарғона, 2013, Б.288; А.Хўжаев. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар. – Тошкент, 2015.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 майдаги “Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги таширф давомида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4308-сон Қарори. <https://lex.uz/ru/docs/4381463>
4. <http://uchildiz.uz>
5. https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-hitoy-munosabatlari-ulkan-istiqbolga-ega_416995